



Adolat

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqqan boshlagan 2001 yil 6 iyul juma № 25 (312) sotuvda erkin narxda

Мухаррир минбари

МУСТАҚИЛИК БОЛАЛАРИ

ёхуд асрга татигулик ўн йил



Ўнга кирдинг — сонга кирдинг, деган халқона мақол замирида оламча маъно бор. Бу, биринчи галда улғайиб бораётган болалар ҳаётни тегароқ англаш учун айтилган ҳикмат. Қайсики бола уни эшитгани ҳамона ўзини бир қадар улғайгандек, катта одамлар сонига, сафига кириб қолгандек ҳис этади. Шунга яраша ўзини тутта бошлайди. Ҳақиқий сонга кирган одамдек фикрлайди.

Ўн ёш — инсон умри учун ўзига яраша пагона. Ўша ёшида фавқулодда катта истеъдод соҳиби эканини намойиш этган Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мухаммад Захриддин Бобур сингари улғу аждодларимиз кимни ҳайратга солмаган дейсиз...

Буюк аждодлари янглиф камолга етиш учун бугунги авлодларга барча имкониятлар етарли. Ўн йилдики, мустақиллик нашадасини сураётган Ўзбекистон ўз фарзандларини бошига кўтарайтир. «Хеч кимга бермаймиз, сени Ўзбекистон!» дея қуйлаётган ёшларини юрт ҳам кўз қорачигидек асраётгани, ардоқлаётгани баайни ҳақиқат.

Яқин-яқинларгача қалбимизни бир армон ўртарди. «Тенглар ичра тенг» деган сохта шior остида ўзбекистонлик болалар аслида ҳеч кимга «тенг» бўлмасди. «Шаклан миллий, мазмунан байналмилал бўлайлик!» деган шiorнинг нечоғли сохталлиги ҳар қадамда очик-ойдин кўриниб қоларди. Хатто, «улуг Ленин тилини яхши билмайсан», деб очикча камситишган ҳали-вери ёдимиздан чиқмаса керак. Ўрислашмаган ўзбек болаларининг дунёдаги тенгдошлари орасида ўрни йўқ ҳисоби эди. Бир асрдан зиёددроқ давр мобайнида мустақилликчил султонни кўрган, жаҳон харитасидан номи суний равишда ўчирилган Ўзбекистон Республикасининг халқини, фарзандларини ким биларди? Туронзаамин тарихи дунё тарихининг ўзига хос таркиби, негизи бўлган кундай равшан. Қўнча шаҳарларимиз Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Қўқонни дунё харитасидан тамомилан ўчириб юбориш олмади. Хо-

рижга борган юртдошларимиз ўзларини таништириш асосида шу шаҳарлардан бирининг номини айтишса, ўзгача эҳтиром кўрсатишгани, аммо ўзбекистонликмиз, дейишса: «У қарда? Покистондами ё Ҳиндистонда?» қабиллиги саволлар беришгани кимнинг қалбини вайрон этмасди?!

Бугун-чи? Чарм қўлқоп жангиди жаҳонни лол қолдирган Мухаммадқодир Абдуллаев, шахмат устаси Рустам Қосимжонов, моҳир тўптевар Миржалоли Қосимов, фазоғир Солиҳон Шарипов каби ўнлаб ўзбек ўғлонларини ким танимайди! Ўлар билганлар — Ўзбекистон ва Ўзбекистонли билганлар уларни билишларига шак-шубҳа йўқ!

Ўн йилдики, юртимиз дунёдаги тараққийпарвар мамлакатлар қаторида раванг бўлди. Ўша «равнақ топиш» ибораси замирида тараққийнинг турфа омиллари билан бир қаторда кун сайин улғайётган ўғил-қизлар камолини ҳам назарда тутмоқ жоиз. Юртбошимиз Ислон Каримов собик иттифоқнинг сўнгги таҳликали

дамларида дадил туриб Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилган паллада дунёга келган ўғил-қизларимиз бугун роса ўн ёшга қадам қўйишмоқда. Улар кутлуг ўн ёшида росмана одам сонига киришадиган жуда қувончли ҳолдир. Бугунги ўн ёшлилар олами ўзгача. Бундан ўттиз-қирк йил бурун айни ўша ёшга етганлар билан уларни солиштириб бўлмайди, албатта. Юртимиз истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Юртбошимиз бир маърузаларида да улғу маърифатпарвар Абдулла Авлонининг: «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деган фикрларини алоҳида таъкидлаб, ёш авлод тарбиясига жуда жиддий эътибор қаратгандилар. Алаҳуссо, бугунги кунда юзлаб ёшларимизнинг илғор тараққийпарвар давлатларда тахсил олиб келаётгани, юртимизда таълим ислоҳотининг дадил амалга оширилаётгани ўша улғувор фикрнинг ёрқин исботидир. Ўтган аср бошида нафақат болалар, хатто катта ёшдаги ки-

шилар ҳам телевизор, видео, уяли телефон, факс, каби бугун учун оддий қуриб қолган нарсалар нима эканлигини мутлақо тушунмагандилар. Бугун ҳам дунёдаги айрим ақидопарастлик ҳаёлотига киришадиган жуда қувончли ҳолдир. Бугунги ўн ёшлилар олами ўзгача. Бундан ўттиз-қирк йил бурун айни ўша ёшга етганлар билан уларни солиштириб бўлмайди, албатта. Юртимиз истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Юртбошимиз бир маърузаларида да улғу маърифатпарвар Абдулла Авлонининг: «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деган фикрларини алоҳида таъкидлаб, ёш авлод тарбиясига жуда жиддий эътибор қаратгандилар. Алаҳуссо, бугунги кунда юзлаб ёшларимизнинг илғор тараққийпарвар давлатларда тахсил олиб келаётгани, юртимизда таълим ислоҳотининг дадил амалга оширилаётгани ўша улғувор фикрнинг ёрқин исботидир. Ўтган аср бошида нафақат болалар, хатто катта ёшдаги ки-

шилар ҳам телевизор, видео, уяли телефон, факс, каби бугун учун оддий қуриб қолган нарсалар нима эканлигини мутлақо тушунмагандилар. Бугун ҳам дунёдаги айрим ақидопарастлик ҳаёлотига киришадиган жуда қувончли ҳолдир. Бугунги ўн ёшлилар олами ўзгача. Бундан ўттиз-қирк йил бурун айни ўша ёшга етганлар билан уларни солиштириб бўлмайди, албатта. Юртимиз истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Юртбошимиз бир маърузаларида да улғу маърифатпарвар Абдулла Авлонининг: «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деган фикрларини алоҳида таъкидлаб, ёш авлод тарбиясига жуда жиддий эътибор қаратгандилар. Алаҳуссо, бугунги кунда юзлаб ёшларимизнинг илғор тараққийпарвар давлатларда тахсил олиб келаётгани, юртимизда таълим ислоҳотининг дадил амалга оширилаётгани ўша улғувор фикрнинг ёрқин исботидир. Ўтган аср бошида нафақат болалар, хатто катта ёшдаги ки-

шилар ҳам телевизор, видео, уяли телефон, факс, каби бугун учун оддий қуриб қолган нарсалар нима эканлигини мутлақо тушунмагандилар. Бугун ҳам дунёдаги айрим ақидопарастлик ҳаёлотига киришадиган жуда қувончли ҳолдир. Бугунги ўн ёшлилар олами ўзгача. Бундан ўттиз-қирк йил бурун айни ўша ёшга етганлар билан уларни солиштириб бўлмайди, албатта. Юртимиз истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Юртбошимиз бир маърузаларида да улғу маърифатпарвар Абдулла Авлонининг: «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деган фикрларини алоҳида таъкидлаб, ёш авлод тарбиясига жуда жиддий эътибор қаратгандилар. Алаҳуссо, бугунги кунда юзлаб ёшларимизнинг илғор тараққийпарвар давлатларда тахсил олиб келаётгани, юртимизда таълим ислоҳотининг дадил амалга оширилаётгани ўша улғувор фикрнинг ёрқин исботидир. Ўтган аср бошида нафақат болалар, хатто катта ёшдаги ки-

Тўхтамурод ТОШЕВ.

Партия ахбороти

НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛАДИ

Куни кеча Тошкентда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи Пленуми бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис депутатлигига бўшаб қолган ўринлар учун партия томонидан номзодлар кўрсатиш масаласи кўриб чиқилди. Пленумни бошқарган партия Сийёсий Кенгашининг биринчи котиби Турғунўлат Даминов қатнашчиларга Олий Мажлис депутатлигига бўшаб қолган ўринлар ҳақида қисқача ахборот берди.

Шундан сўнг сўзга чиққан партия Сийёсий Кенгаши котиби Равшан Хайдаров 10-Чуқурсой сайлов округидан Тошкентдаги «Фармед» хусусий фирмасининг бош директори, тиббиёт фанлари номзоди Дилором Тошмухамедова номзодини, Сурхондарё вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Рустам Бегалиев 147-Сариосиё сайлов округидан акциядорлик тижорат «Пахтабанк»нинг Сариосиё бўлими бошқарувчиси Мўминжон Махмудов номзодини, Тошкент вилояти партия Кенгашининг иккинчи котиби Махмуджон Мўйдинов 152-Олмалик сайлов округидан Олмалик минтақа ва табиати муҳофазат қилиш қўмитаси раиси Шоаскар Шонасиоров номзодини, Қашқадарё вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Абдулла Абдуназаров 220-Дехқонбод сайлов округидан Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари Маматқул Раджабов номзодини тавсия этиб, уларнинг таржимаи ҳоли, иш фаолиятлари билан йиғилганларни таништирдилар. Пленум қатнашчилари уларнинг номзодини бир овоздан Олий Мажлис депутатлигига бўшаб қолган ўринлар учун кўрсатишни қўллаб-қувватладилар.

Шу йилнинг 29 июлида Олий Мажлис депутатлигига бўшаб қолган ўринлар учун бўлиб ўтган сайловларга қўйилган тайёргалик кўриш ва уни ҳар томонлама пўхта ўтказиш партия ташкилотлари учун жуда аҳамиятлидир. Партия Сийёсий Кенгаши аъзолари Низомидин Нурматов ва Акбархўжа Раҳимовлар Пленумда сўзга чиқиб, бу ҳақда ўзларининг бой фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шу билан партия сийёсий кенгашининг навбатдан ташқари Пленуми ўз ишини якунидади.

Рустам ДОСТОН,
«Адолат» мухбири.

«Адолат»га жавоб берадилар

«28-КИЛОМЕТРДАГИ ТЎҚНАШУВ»

(«Адолат» газетаси, 2001 йил 8 июнь, №22)

Ушбу сарлавҳали мақолада Самарқанд — Қарши йўлининг 28-километрида рўй берган автоҳалокат сабаблари ва айбдорларини аниқлаш масаласи икки йилдан бундан қўзғилиб келаётгани танқид қилинган эди. Мазкур мақола юзасидан қуйидаги жавоб хати олинди.

«Адолат» газетасининг 08.06.2001 йилдаги сонидан чоп этилган «28-километрдаги тўқнашув» номли мақола Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси томонидан кўриб чиқилди.

Маълум бўлишича, 28.05.99 йил Самарқанд — Қарши йўлидаги Б. Ярилиев бошқарувидаги «Нексия» автомашинаси билан Ф. Умаров бошқарувидаги «Дамас» автомашиналарининг тўқнашуви ҳолати бундан 26.06.99 йилда Нуробод туман ИИБ томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКНинг 266-модда 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Б. Ярилиев жиноят ишида айбланувчи тарихида иштирок этишга жалб қилиниб, унга Ўзбекистон Республикасининг 266-модда 1-қисми билан айб эълон қилинган ва жиноят иши 20.12.99 йилда ваъжот хулосаси билан судга юборилган.

Терговда йўл қўйилган камчиликлар учун жиноят иши бир неча марта қўшимча терговга қайтарилган. Сансозларликка ҳамда ҳатто камчиликларга йўл қўйган тергов ҳодимларига нисбатан чора қўриш учун республика Прокуратураси томонидан Ички ишлар вазирлигига топшириқ берилган.

Бугунги кунда жиноят иши Самарқанд туман суди томонидан қўриб қўйилган.

А. НИЁЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг Ички ишлар вазирлиги идораларида тергов ва суриштирув устидан назорат бошқармаси бошлиғи.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари

БУНЁДКОР

(Очерк)

Чўл хавоси ўзгарувчан бўлади, шамолга эса гап йўқ. Халқ «Беговот шамол»и деб атайдиган бу шамол Фарғона vodiysi ва Туркистон тизма тоғлари ҳамда Мирзачўлнинг иссиқ оқимлари тўқнашуви тўғрисида юзга қолади. Чўлни чўл ҳамда гул қилган — унинг шамолли!

Донишмандлар, шамолни ҳайованга оғдир, ҳар қандай ширинликдан қўй-қўдратли ва табиати ўзгаришга оғдир, деганда чўл кишилар ва уларнинг бунёдкорлигини назарда тутишган. Бу фалсафий қарашни мен чўлдан қўйиб қаҳрамон ҳақида бир қораллама қилиш учун келтирдим. Албатта, чўлни ўзлаштиришнинг негизи бу суя чўлқирини, мадания ақиллар эҳси, боғ-роғлар барпо қилиш бинолар қуриш. Одам боласи ҳеч қачон бекор ўтирмаган. Ўзининг меҳнати ва бунёдкорлиги тўғрисида оғдирган гул-лаб-қўнатиб, шамолнинг маини ва мусофироқ эсинини таъминлаган.

Мен ўтган асрнинг 60-йилларида шу чўлда ёш қўнлар билан бўлиб, буювдан ёшги олтиш чўлқирин, ҳозирги Шароф Рашидов тумани марказига борганимча чўл шамолдан юзларим қорайиб, лабларим ёрилганини эсладим. Осмон узок ўтди, чўл эса тақир чўл. Иссиқ олов тандир каби қиздиради.

«Дамас» елдай илгариларда, ўша чўл, ўша чўлқирини. Бироқ, энди чўл бў-

та раиси — қурувчилар мураббиси. Ўзи ўнлаб қоттежлар қурган «Дўстлик» жамоа хўжалигида фермерлик қилаётган ўғли Нодирбекнинг ишлари бош-қош. Қаҳрамон — қаҳрамон-да! Бундай шарафни Мустақиллик берди. Анвар ақанинг меҳнат тарзи нафақат туман вилоятига ибратли, қола-вирса, мамлакатга ҳам. Бунга унинг қилган ишларини кўриб ўзингиз ҳам амин бўласиз.

Хокимнинг гурурли гапи менга хўш эди. Дехқонбодда катта ўғли, ота изидан бораётган Шокиржон турадимми? — сурайман ажабланиб. Ҳа. Бир ҳовлида туришадилар.

Сўхбат бошида хоким Қаҳрамон ҳузурига мен билан бирга боришни таъкидлаган эди. Йўлга тушдик.

Шамол салқин ва ёқимли. Ҳу, хонадонларда овқат пиширилган. Пива доғи, ошга солинган сабаб қовуриги, димлама ҳали қўйилиб, сизинг-да иштангизини қитқилди.

«Дўстлик» дехқон-фермер хўжалиғи уюшмаси учта қишлоқдан иборат экан. Халқбодда яқинлашган сайин бежирим, салобатли, миллий рўҳда қўрилган уйлари қураимиз. Уй-жой — бу бир парча Ватан бўлган. У қанчалик чирой оғса, шунчалик оғса-Ватанга меҳр-муҳаббатингиз ортади.

Мен у пайтда институтда ўқир эдим, — дейди хоким. — Анвар ака бригадаси тезкорлик билан хўжаликлар учун уйлار қураётганини кўриб эшитардим. Мана улар қўз олдингизда. Уй қурган — эл олқисини олади, дейди халқимиз.

Ҳақиқатан, кўз олдимда, нақ ўқилиш ўртасида пайдо бўлган режалар қўғонча атрофда эса боғ-роғлар, пахтазор, беговот бугдоязорлар...

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий судидаги брифингдан кейинги мулоҳазалар

ЖАЗО АДОЛАТЛИ, ОДИЛОНА БЎЛСИН

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганига ўн йил бўлаяпти. Бу ўн йилда улкан тарихий воқеалар содир бўлдики, бундан нафақат қўшни давлатлар, хатто хорижий мамлакатларда ҳам эътироф этилаётганидан ҳар қанча қувонсак оз. Шундай бебаҳо ва тарихий ноғматнинг ҳосиласи ўлароқ судлов тизимини давлатимизнинг алоҳида мустақил ҳокимиятига айлантириш. Суд ислоҳотлари босқичма босқич олиб боришмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситалари ҳодимлари иштирок этдилар. Суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни, янгилик ва ўзгаришларни кенг оғмага етказишда, албатта, оммавий ахборот воситалари вакиллари-нинг роли бекиёс.

Мулоқотни Республика Олий суди раиси ўринбосари Бахтиёр Жамолов кириш сўзи билан очар экан, залда йиғилганларни оммавий ахборот воситалари ҳодимлари кўни билан самимий қутлади. У жиноят учун жазо қорасини тайинлаш бораси-

да суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар, фуқаролик ва жиноят ишлари апелляция, кассация ва назорат тартибиди қўриш амалиёти, фуқаролик судларининг ташкил этилиши ҳамда фуқаролик ишларига оид Олий суд Пленуми қарорлари ҳусусида тўхталиб ўтди. Журналистлар учун суд эшиклари доимо очик эканини, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлисларида ҳеч қандай таъқиқсиз иштирок этиши мумкинлигини, фақат бу ҳақда суд мажлиси бошлангичидан аввал белгиланган тартибда мурожаат қилиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 3-бетда).

Факт • Мулоҳаза • Фикр

ДАРДИНГНИ ОПАЙ БОБОДЕҲҚОНИМ...

Маълумки, бугунги кунда қишлоқ хўжалиғи ҳаёти ва муносабатларини ислох қилишга қаратилган «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиғи) тўғрисида», «Фермер хўжалиғи тўғрисида», «Дехқон хўжалиғи тўғрисида» ва бошқа қонунлар амалда бўлиб, жойларда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган ширкат, фермер ва дехқон хўжалиқларини вужудга келтириш ва фаолиятини ривожлантириш учун ҳуқуқий асос яратилган.

Ҳар бир тадбиркор, дехқон ва фермер ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, етказилган моддий ва маънавий зарарини ундириш ҳақида, мансабдор шахсларнинг ноқонуний қарорлари ва ҳатти-ҳаракатлари устидан судга даъво ариза-си билан мурожаат этишга ҳаққидир. Олий хўжалик суди тадбиркорлар, дехқон ва фермерларнинг ҳозирги аҳолини эътиборга олган ҳолда ҳатто, уларнинг даъво аризаларини давлат божисиз қабул қилиш амалиёти-ни жорий этган.

Аммо, таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, тадбиркорлар ҳам, дехқон ва фермерлар ҳам ўзларига берилган бу ҳуқуқдан етарлича фой-

даланмаётилар, ҳаққуққлари ва манфаатлари қўллаб-қувватлангиларига қарамасдан судларга камдан-кам ҳолларда ёрдам сўраб мурожаат эт-моқдалар.

Жумладан, биргина, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2894 та фермер, 43 та дехқон хўжалиқлари бўлган ҳолда 2000 йилда 33 та (112 миллион сўмлик), жорий йилнинг 3 ойида 5 та (4,6 миллион сўмлик) дехқон ва фермер хўжалиқлари ҳўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этган, холос. Вақолаки шу даврда тегишлича 119 та иш бўйича дехқон ва фермер хўжалиқлари жавобгар сифатида иштирок этганлар.

Масалан, давлат бюртмаси асосида 1997 — 1998 йил-

(Давоми 2-бетда).

Маҳалла — аҳиллик қўргони

ОҚСОҚОЛ ИШОНЧНИ ОҚЛАДИ

Мелибой ака Солиҳов Янгийул шахридаги «Мустақиллик» маҳалла қўмитасига дастлаб раис этиб сайланган 1998 йилдаёқ ташаббускорлиги билан дарҳол маҳаллани оёққа тургазди. Унинг атрофига жипслашган отахонлар, пир-у бадавлат кишилар, ишбилармон ва тадбиркорлар, саргайрат ёшлар ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Бамаслаҳат қилинган ишлар бесамар кетмади.



Маҳалла оқсоқоли юмушларида унинг ана шу хислатлари жуда ҳам қўл келтирилади. Кунин кеча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтган сайловда у киши яна қайтадан раис этиб сайланиши фикримизга далил бўла олади...

Инсон ҳақида орзулари билан камолот чўқисига интилиб ўшади. Кимки бундай интилишдан тўхтар экан, турли чиркин йўлларга кириб кетганини сезмай қолиши мумкин. Демак, орзунинг ойдин йўлига чорловчи давлат ҳақида суҳбати билан ҳаётининг ҳақиқатини кўриб чиқариш мумкин.

Бирок, ўша фильмларни таъкидлаб қўйиш билан бирор ижобий натижага эришиб бўлмаслиги ҳақида бирор ақлирасо киши ломим демасди... Масаланинг ечимини эса «Мустақиллик» маҳалласида топгандек бўлди. Ҳаётнинг аччиқ-чучини, оқ-қорасини яхши билган оқсоқол Мелийов ота Солиҳов ташаббуси билан ўтказилаётган хайрли ишлар, хусусан, олтин тўйлари барчанинг қалбига, руҳий оламига ижобий таъсир этиши шубҳасиз. Ахир бу «ҳаёт саҳнаси»даги ўзига хос тарбия, таъбир жоиз бўлса — мафкура-ку! Истиқлол мафкурасига ҳамоҳанг бундай удумларни барча маҳаллаларда давом эттириш лозим. Илло умид билан оила кураётган ёшлар учун келгусида «олтин тўй» ўтказиш ҳаёт мезони бўлиб қолсин!...

Мелийов ака билан дегарли ўттиз йилдан бери бир соҳада меҳнат қиламиз, — деб ҳикоя қилади вилот «Медтехника» жамоа корхонасининг раҳбари Мирфайз Носиров. — Бу даврда у кишининг аҳойиб хислатларини, жуда қўллаб қилган савобли ишларининг гувоҳи бўлдим. Мелийов аканинг ташаббускорлиги, қўллаган антиқа гоюларни ўртага ташлаш, баъзан ҳатто бизларни ҳам шошириб қўяди. Мелийов аканинг янги фаолияти — маҳалла оқсоқоли юмушларида унинг ана шу хислатлари жуда ҳам қўл келтирилади. Кунин кеча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтган сайловда у киши яна қайтадан раис этиб сайланиши фикримизга далил бўла олади...

Янгийул шаҳар ҳоқими Шукрат Қорабоев. — Биринчи бўлиб ташаббуси бошқасида ҳам ўзини равишда давом эттирилади. Халқимиз маънавий олами яхши билган, узоқ йиллар давомида «Ўзметехника» соҳасида самарали ишлаб, одамлар қалбига йўл топиш ҳақини олган Мелийов ака Солиҳов «Мустақиллик»ка оқсоқол бўлиб сайланганидан бундан маҳалла ташаббуслар «булоғи»га айланиб қолган... Зеро, бу маҳалла ўтган йили шаҳар ҳокимлигининг «Наврўз — қувончлари» қўриқ-танлови ғолиби бўлиб, фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Ундан олдинги йили атроф-муҳит мусофоланиши сақлаш ва аҳоли ўртасида турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш борасида республика маҳаллалари ўртасида ўтказилган «Экология ва саломатлик кунлари» қўриқ-танловида ғолиб чиқиб, «Экосан» халқаро жағнамасининг 1-даражаси дипломи билан тақдирланган...

Айни дамларда маҳалла гузари, оталар чойхонаси курилиши жадал суръатлар билан давом этмокда. Дам олиш маскани ҳам ҳадемай маҳалладорларнинг сеvimли оромгоҳига айланади.

Бир яхши маҳалла бўлур шунчалик, ошириб ёзмадик биз ҳам унчалик. Битар ишининг бошига — ботир келар қошига, муаммо пайдо бўлса — ҳолат йўқ қўз ёшига. Маҳалла меҳри ила бўлсангиз бир тану бир жон, ҳар қалай муаммони ҳал этурсиз беғумон. Мелийов Солиҳовдек бўлиб ибрат мактаби, оқил оқсоқолида бўлсангиз бас у каби!...

Тўлқин ЭШБЕКОВ, Шавкат МИРОЛИМОВ.

ЖАЗО АДОЛАТЛИ, ОДИЛОНА БЎЛСИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республика Олий судининг турли масъул лавозимли раҳбарлари, Олий суд судьялари бирин-кетин сўзга чиқиб, кун тартибидagi масалалар юзасидан ахборот бера бошладилар. Республика Олий судининг матбуот хизмати томонидан белгиланган кун тартибига қўра брифинг учун бир соатгина вақт ажратилган эди. Журналистларнинг илтимоси билан мулоқотни савол-жавоб тарзида, вақтни чегараламасдан ўтказишга Олий суд вакиллари рози бўлишди.

Мулоқот янада жонлиб кетди. Қалмақлар 2001 йил 28 июнь кунини ён дафтарақларига катта-катта рақамлар билан ёзиб қўйишди. Чунки шу кун Олий суд тарихида маҳаллий ва чет эл журналистлари билан суд раҳбарлари, судьялари ва бу идоранинг бошқа масъул ходимлари очикчасига юзма-юз ўтириб, биринчи марта мулоқот ўтказишди. Бу қадар ҳуқуқий мавзуда қалам тебратётган журналистлар учун катта имконият эшиклари очилган давра бўлди.

«Хуррият» газетасининг махсус муҳбири; танили журналист Турсунали Акбаров биринчи бўлиб савол билан мурожаат қилди:

— Терговчи муайян жиноят иши бўйича айбланувчини Жиноят кодексининг битта моддаси билан малакалаб, судга чиқарса-ю, судья суд жараёнида терговчининг ҳато ва камчиликлари курсатиб, айбланувчининг қилмишини битта эмас, бир неча моддалар билан малакалаш лозим деган ҳулосага келса, ишнинг терговга қайтарилди. Айни ҳолатда суд терговчига нисбатан ҳуссий аҳрим чиқариши мумкин. Агар терговчи айбланувчини қилмишини Жиноят кодексининг бир неча моддалари билан судга юбурсаю, суд айбланувчига нисбатан битта моддада курсатилган жазо билан ҳукм чиқарса, бундай ҳолатда терговчига нисбатан ҳеч қандай аҳрим чиқарилмайди. Таъсир чоралари қўрилмайди. Амалиётдаги бу номақбул усул терговчи иложи борида айбловга зўр беришига, оқибатда тергов сифати пасайишига, айбланувчининг ҳуқуқлари поймол бўлишига олиб келмокда. Бундай аҳвол давом эттаверадими?

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳаёти раиси Рустам АКБАРОВ ўз жавобида кейинги пайтларда судлар ҳар бир жиноят ишини чуқур, одилона ўрганиб, шундай камчиликларга йўл қўйган терговчиларга нисбатан қонуний чора қўриш борасида дастлабки қадамларни қўя бошлаганини қайд этди.

Албатта, бу борада кескин бурилиш ясаш пайти келди. Ҳа, айрим терговчилар ўзининг обрў-эътибори, лавозими, хизмат пиллапоялари, шаънини ўйлабди-ю, айбланувчининг тақдирини иккинчи даражали ҳисоблаб, инсонийлик ва одиллик принципларини унутиб қўйдилар.

Ўзбекистон телевидениесининг муҳбири, ҳуқуқий мавзуда қалам тебратган танили журналист Муаттар Асқарова кейинги йилларда чиққан оқлов ҳукмлари сони билан қизиқиб, савол берди. У ўз тақлифини ҳам баён этар экан, келгусида оқлов ҳукмлари матбуотда эълон қилиниши ва нотўғри айбловга сабабчи бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига, нотўғри ҳукм чиқарган судьяларга қандай жазо берилётгани билан қизиқди.

Бу саволга ҳам Рустам Акбаров жавоб бераркан, ҳақиқатан кейинги йилларда оқлов ҳукмлари чиқаётганини, ўтган қисқа вақт мобайнида нотўғри ҳукм чиқарган йигирмадан ортиқ судья келгусида ҳуқуқ-тартибот идораларига ишга қабул қилинмаслиқ шарти билан эғаллаб турган вазифасидан озод этилган, яна шунча судьяга нисбатан интизомий жазо берилганини билдирди.

Республика Прокуратурасининг қонунларни муҳасаммаллаштириш ва ҳуқуқ тарғиботи бўлимининг бошлиғи, адлия кичик маслаҳатчиси Светлана Ортиқова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони судларни ислоҳ қилиш, суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида қўрилишида аҳамиятли бўлганини алоҳида таъкидлади. У фуқаролик судларида судьяларнинг ўринлари бўш тургани сабабли ишлар ўз вақтида қўриб қилинмаётгани, оқибатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари поймол қилинмаётганига эътиборни қаратиб, бундай аҳволни бартараф этиш учун Олий суд томонидан қандай тадбирлар амалга оширилаётганини сўради.

Дарҳақиқат, республикаимиз бўйича 62 та фуқаролик суди ташкил этилган бўлиб, уларнинг ўттиз фоизига яқинида судьялар ўринлари бўш тургани ва бу муаммони тезроқ ҳал этиш чоралари тегишли идоралар томонидан қўрилатгани хусусида жавоб олинди.

Брифингга ўғирлик ва босқинчилик оқибатида мулкий зарар қўрган жаҳланувчи фуқароларга етказилган зарарни ундириш бериш ҳақидаги судларнинг қарорлари ижроси кўп ҳолларда таъминланмаётгани, зарарни ундириш механизмининг такомиллаштирилиши, ундан ташқари фуқароларга етказилган маънавий зарар миқдорларини аниқлаш ва белгилашда судьялар нимага эътибор бериши хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирди.

Бирок айрим ҳолатларда баъзи судьялар жазо тайинлаш чоғида прокурор — давлат айбловчиси сўраган жазо муддатларини бериб юбориш ҳоллари содир бўлаётди. Айниқса, химоячининг қатор вақтларини инобатга олмаслиқ ҳоллари ҳам учраб туради. Демак, ҳали бу ислохотларни рўёбога чиқариш йўлида қилиниши лозим бўлган вазифалар бор. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди раиси Убайдулла Мингбевнинг Олий суд пленумидаги маърузасида қайд этилган ушбу дастурий қўрсатмасини яна бир бор эсламоқ мақсадга мувофиқдир:

«Суд амалиётида жазо тайинлашнинг мақсади ва моҳияти нимага қаратилганини очиб бермаёмиз, айнан озолиқдан маҳрум этиш жазоси қандай шахсларга нисбатан тайинлангани лозимлигига судьяларнинг ҳаётини эътибор бермасдан, Жиноят Кодексининг қонунларида курсатилган принципал масалаларни ҳал этишда ўта сусткашлик қилмокда. Суд амалиёти шунинг қўрсатмокдаки, айрим судьяларимиз ҳаётини жазо белгилаш масаласида тала-партишликка йўл қўйиб, инсонийлик ва одиллик принципларига тўла амал қилмасдан кўпчилик судьяларимиз озолиқдан маҳрум этиш жазосини тайинлашга мойилликлари сезилмокда, қонунда курсатилган бошқа жазо тизимлари эса муҳокама қилинмасдан унутилмокда».

Ҳа, бу жуда одилона ва адолатли фикр. Дарҳақиқат, муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан енгилроқ жазо тайинлаш масаласини ҳар бир судланувчига нисбатан муҳокама қилиши судлар ўзларининг асосий вазифаларидан энг масъулияти деб қарамоқ кераклиги давлат сиёсати даражасига олиб чиқилганлиги бежиз эмаску! Рустам Акбаров бу халқпарвар ва меҳрибонлик нуқтаи назаридан олға сурилатилган сиёсатни бугунги кундаги аҳамияти хусусида тўхталиб, айниқса, моддий зарар етказган шахсларга нисбатан қўлланилган озолиқдан маҳрум этиш жазоларини бошқасига — енгилроқга алмаштириш бўйича Олий суд жамоаси ва қўйи судлар талайгина ишларни амалга ошираётганлигини уқтирди. Унинг берган маълумотига қараганда, кейинги икки йилда айбдорлардан етказилган турт миллиард сўмдан ортиқроқ миқдордаги моддий зарар ундирилган. Ўзлаб айбланувчилар озолиқ қилиниш ўз оилалари бағрига қайтган. Улар Ўртбосқимиз меҳрибонлигидан мамнулигини изҳор этиб Олий судга мурожаат қилишаётди.

Шунингдек, шахсий мулк муқаддасдир, деган умуминсоний тамойиллардан келиб чиқиб, мол-мулкни мусодара қилиш жазосини жазо тизимидан чиқариб ташлаш вақти келмадики деган мулоҳазали саволлар ҳам берилди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг ташаббуси билан Жиноят Кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси тайёрлаш назарда тутилганини эслатиб ўтиш ўринли. Зеро, Кодекснинг бир қатор нормаларини бир-бирига мослаштириш, жиноий жавобгарликни қамайтириш, жазоларни енгиллаштириш, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш тартибининг такомиллаштириш нақадар зарурлиги — замон талаби.

Хуллас, Республика Олий судида ўтказилган брифинг ниятда бой таассурот қолдирди. Барча журналистлар, брифинг ташкилотчилари шундай жонли, ошқорча мулоқотларни мунтазам ўтказиб бориш ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишни тезлаштириш йўлида муҳим аҳамият касб этишини уқтирдилар.

Дилмурод ҚИРФИЗБОВ, «Адолат»нинг махсус муҳбири.

Халқ банки тизимида: сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

МИЖОЗЛАР МАНФААТИ МУҚАДДАС

Бугунги Фарғонада бўлсангиз қатор корхона, ташкилот, муассасаларнинг мустақиллигимизнинг 10 йиллигини катта тантаналар билан қутиб олишга қизгин ҳозирлик қўраётганлигининг шохиди бўласиз. Уларнинг орасида Фарғона вилоят Давлат тижорат Халқ банки бошқармасининг ишчан жамоаси ҳам бор. Мижоз манфаатини муқаддас билиб, уни доимо улуғлаб келатган банк ходимлари юртимизда изчил амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга, банкнинг нуфузини оширишга астойдил ҳаракат қилиб келмоқдалар.

— Аҳолига намунали банк хизмати кўрсатиш учун сидқидилдан ишляймиз, — дейди Фарғона вилоят Давлат тижорат Халқ банки бошқармаси бошлиғи Илҳомжон ака Ақромов биз билан суҳбатда. — Бунинг натижасида божарамизнинг туман ва шаҳарлардаги 20 та бўлимида хизмат соҳаларини ҳар томонлама ривожлантириш чоралари қўрилмокда.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича айниқса катта ишлар олиб бориляпти. Утган йили вилоятимиз бўйича 545000 омонатчи мавжуд бўлиб, омонат қолдиғи саккиз юз беш миллион олти юз қирқ икки минг сўмга етказилди. Яъни бир омонатчи ҳисобига бу 1480 сўмданга тўғри келди. 2001 йилнинг биринчи чораги якуни бўйича омонатчилар сони беш юз эллик минг кишига етказилди, омонат қолдиғи 906008 минг сўмга ўсди, яъни бир омонатчи ҳисобига бу кўрсаткич 1637 сўмга етказилди. Бу кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, чорак давомида омонатчилар сони беш минг кишига ва омонат қолдиғи тўқсон турт миллион саккиз юз олти минг олти минг сўмга ўсди. Юқоридагиларнинг ҳаммаси Халқ банкининг жаҳон андозалари даражасида ишлашга интилаётганлигининг натижасидир.

Халқ банки бўлимларида аҳолига қўрсатиладиган хизматларни ривожлантириш мақсадида

да Ўзбекистон Республикаси Халқ банки бошқаруви томонидан янги ташкил этиладиган омонатларда омонатчиларнинг маблағларини ишончли сақлаши, фоизли даромадларнинг қўшилиши сингари қатор қулайликларни яратиб қўйди. 2000 йил 1 августда ташкил этилган «Абитуриент» омонатини барча олий ва ўрта махсус ўқув юртиларига ўқиш-шартнома асосида қабул қилинган ва ўқийётган талабалар «Абитуриент» омонатига пул қўйган ҳолда (омонат шартларига асосан) имтиёзли кредит олиш ҳуқуқига эга бўлишди. 2001 йилнинг 1 мартидан бошлаб «Бахтли болалик», «Кексалик гаши» ва «Аср совғаси» омонатлари ташкил этилди.

Халқ банки омонатчилар билан биргаликда юридик ташкилотлар, хусусий тадбиркорлар, деҳқон-фермерлар ва ҳўжалик юритувчи субъектларга ҳам хизмат кўрсатишдан манфаатдор. Ҳозирги кунда вилоят бўйича 972 та юридик ташкилотларга банк томонидан намунали хизмат кўрсатиб келинмокда.

Аҳолига қўрсатиладиган хизматларнинг яна бири Вазирилар Маҳкамасининг қарорлари асосида Халқ банки бўлимлари томонидан кенг қўламда тарқатиладиган нафақалардир.

2001 йил биринчи чораги мобайнида «Кам таъминланган оилаларга нафақалар тўлаш» бўйича фуқароларга 89178 минг сўм, «16 ёшгача болали бўлган оналарга

нафақалар бериш» бўйича 655356 минг сўм, «2 ёшгача болали бўлган ишламайдиган оналарга» 621001 минг сўм нафақа тарқатилди.

Бу шабҳасиз Халқ банкининг жаҳон банки андозалари даражасида хизмат кўрсатиш учун қатор қулайликларни жорий қилаётганлигининг самарасидир.

Фарғона вилоят Давлат-тижорат банки бошқармасининг эришаётган ютуқларида тажрибали мутахассис ва тадбиркор раҳбар Илҳомжон ака Ақромовнинг муносиб ўрни бор. Мана етти йилдирки, у бошқарма бошлиғи лавозимида ишлаб соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратмокда. Ўз навабатида жамоа ходимларининг ташвишу қувончларига елкадош. Айниқса, ёшларнинг билим даражасини ошириш, етук мутахассис бўлиб шаклланиши учун доимо ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатишга одатланган. Ҳозирги пайтда бошқарма аудит бўлими бошлиғи С. Маринов, қарз бериш бўлими мутахассиси И. Мирзакаримов, банк муомалалари бўлими бошлиғи Г. Саидалиевлар Фарғона Давлат университетидеда банк ҳисобидан ўқимокда. Шунингдек, жағмарма бўлими бошлиғи Ш. Мирзаамов, бош муҳосиб муовини Э. Исмомовлар Фарғона политехника институтидеда, банк муомаласи бўлими иқтисодчиси В. Каримова эса Марғилон ҳисоб-кредит техникумида банк ҳисобидан таҳсил олишмокда. Бундай қулайлик ва имтиёзларга бошқар-

ма жамоасининг ҳар йили қўраётган миллионлаб сўмлик соф фойдаси катта йўл очмокда. Эришилаётган ютуқларга Бувайда, Тошлоқ туманлари, Қўқон шаҳри халқ банки бўлимлари жамоалари муносиб улуш қўшишляпти. Шу билан биргаликда Қува туманидаги 5993-сонли Халқ банки назоратчилари Саидхон Абдуллаева ва Хурсаной Ҳамдамова, Риштон туманидаги 3597-сонли Халқ банки бўлими иқтисодчиси Минаваархўжа Султонов, Тошлоқ туманидаги 3633-сонли Халқ банки қарз бериш бўлими бошлиғи Мансуржон Гофуров, Қўқон шаҳар 26-сонли Халқ банки назоратчиси Матлуба Дадажоновна, тафтишичи Ҳамдамова Юлдашева, Фарғона шаҳар 3591-сонли Халқ банки назоратчиси Уринби Ҳошимова сингари унлаб мутахассислар кун-гайратларини, билим ва маҳоратларини жамоа ютуқларини бойитишга, у орқали мижозлар сонини оширишга, уларнинг манфаатларини астойдил ҳимоя қилишга бағишламоқдалар.

Мустақиллик шарофати билан бугун Халқ банки халқимизнинг энг ишончли ҳамкори таянчига айланмокда. Эришилаётган ютуқлар эса унинг имкониятлари тобора кенгайиб бораётганлигини кўрсатиб турибди. Зеро шундай: интиланганга доимо омад ёр бўлаверади.

Дилнозахон ҚАЮМОВА, Мафтуна ХУДОЙБЕРДИЕВА, «Адолат»нинг жамоатчи муҳбирлари.



